

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БОШЛАНГИЧ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМНИНГ  
ФАН ДАСТУРИ**

**Фан дустури номи:** Хорижий тил (инглиз тили)

**Ажратилган соат:** 120

**Тошкент – 2020**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ  
ЧИҚИЛГАН ВА ТАСДИҚЛАНГАН ДАСТУР АСОСИДА ИШЛАБ  
ЧИҚИЛДИ.**

**Тузувчи:** А. Анваров Фарғона давлат университети академик лицейи  
хорижий тил фани ўқитувчиси

**Такризчи:** Д. Усманова Фарғона давлат университети чет тиллар  
факультети инглиз тили кафедраси мудири



## 1. Ўқув дастури умумий талаблари

<b>Дастур номи</b>	Хорижий тил
<b>Ажратилган соат</b>	120
<b>Ўқитувчининг машғулотида қатнашиб ўзлаштирилиши лозим бўлган мавзулар сони</b>	40
<b>Дастурнинг мақсади</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ ўқувчиларнинг инглиз тилида мулоқот қилиш кўникмаларини шакллантириш;</li> <li>✓ нутқ фаолиятининг 4 асосий тури – нутқ, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзиш бўйича коммуникатив кўникмаларини шакллантириш;</li> <li>✓ ўқувчи шахсиятини, нутқ қобилиятини, эътиборини ва фикрлашини ривожлантириш;</li> <li>✓ хорижий тилни ўзлаштиришга бўлган қизиқишни ривожлантириш.</li> </ul>
<b>Ўзлаштириш натижалари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ ўқувчи мавзу бўйича ўз фикрини хорижий тилда билдира олади;</li> <li>✓ тенгдошларини қийинчиликсиз тушуна олади ва улар билан турли мавзуларда эркин мулоқот қила олади;</li> <li>✓ радио, телевидение орқали дунёда бўлиб ўтаётган янгиликлар ва воқеаларни тушуна олади;</li> <li>✓ турли мавзуларда фикрини ёзма тарзда баён қила олади;</li> <li>✓ хорижий тилда хат, ариза ва мурожаатлар ёза олади;</li> <li>✓ Хорижий тилдаги газета, журнал, китобларни ўқиб, умумий маъносини тушуна олади.</li> </ul>
<b>Билимлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ От, бирлик ва кўплик шакли, саналадиган ва саналмайдиган отларнинг ишлатилиши;</li> <li>✓ Артиклни ишлатилиши.</li> <li>✓ Ҳозирги, ўтган ва келаси замонларнинг ишлатилиши;</li> <li>✓ Режалаштирилганиш-ҳаракатни ифодалаш;</li> <li>✓ Мажхул нисбат;</li> <li>✓ Шарт эргашган гаплар;</li> </ul>

	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Ўзлаштирма гаплар;</li> <li>✓ Сифат ва унинг даражалари;</li> <li>✓ Равиш ва унинг даражалари;</li> <li>✓ Модал феъллар;</li> <li>✓ Олмош турлари ва уларнинг ишлатилиши;</li> <li>✓ Феълнинг шахссиз шакллари;</li> <li>✓ Сўроқ гап турлари ва уларнинг ишлатилиши;</li> <li>✓ Боғловчилар;</li> </ul>
<p><b>Кўникмалар</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Отларнинг бирлик ва кўплик шакллари, саналадиган ва саналмайдиган отларни фарқлай олади;</li> <li>✓ Артиклниги ишлатилиш ўрни ва қай ҳолатларда ишлатилиши қоидаларини билади ва гапда қўллай олади;</li> <li>✓ Ҳозирги, ўтган ва келаси замонларни бир биридан фарқлай олади ва оғзаки ва ёзма нутқда тўғри қўллай олади;</li> <li>✓ Режалаштирилган иш-ҳаракатларни ишлатилиш ҳолатларини билади ва тўғри қўллай олади;</li> <li>✓ Мажхул нисбатнинг аниқ нисбатдан фарқлай олади ва нутқда қўллайди;</li> <li>✓ Шарт эргаш гапларни қай ҳолатларда ишлатилиши ва шакллари тўғри қўллай олади;</li> <li>✓ кўчирма гапни ўзлаштирма гапга айлантириш қоидаларини билади ва қўллай олади;</li> <li>✓ Сифатларнинг турларини ажрата олади, сифат даражаларини оғзаки нутқда тўғри қўллай олади;</li> <li>✓ Равишларнинг турларини ажрата олади ва унинг даражаларини туўғри қўллай олади;</li> <li>✓ Модал феълларни қай ҳолатларда ишлатилиш қоидаларини билади ва тўғри қўллайди;</li> <li>✓ Олмошларнинг ишлатилиш қоидаларини билади ва уларнинг тўғри қўллай олади;</li> <li>✓ Феълнинг шахссиз шакллари мақсадга кўра ишлатилишини билади ва оғзаки ва ёзма</li> </ul>

	нутқдатўғри қўллайди; ✓ Сўроқ гап турларини ажрата олади ва тўғри қўллай олади; ✓ Боғловчиларларни ажрата олади ва қай ҳолатда ишлатилишини билади;
<b>Ўқув режасига мувофиқ боғлиқ бўлган бошқа ўқув фаннинг номи</b>	География, тарих, иқтисодиёт асослари, тилшунослик, биология.
<b>Ўқитишни ташкилий шакли</b>	А – Амалий таълим;
<b>Дастурга қўйилган талаб</b>	Мажбурий
<b>Ўқитиш тили</b>	Ўқитилаётган хорижий тил асосида
<b>Баҳолаш тартиби</b>	Баҳолаш бўйича амалдаги тартиб асосида
<b>Ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш</b>	Ёзма, оғзаки, савол-жавоб, тест, амалий топшириқ

## 2. Ўқув дасури мазмуни

№	Мавзулар номи	Жами	Ўқитишни ташкилий шакли	Мустақил таълим
1.	Менинг ватаним – менинг фаҳрим.	6	А	2
2.	Касбингиз нима?	6	А	2
3.	Менинг келажакдаги режаларим	6	А	2
4.	Вақтни тўғри тақсимлаш.	6	А	2
5.	Гуруҳ билан ишлаш.	6	А	2
6.	Ҳалқаро ҳамкорлик алоқалари.	6	А	2
7.	Ҳужжатларни тўлдириш.	6	А	2
8.	Кўникмаларни аниқлаш.	6	А	2
9.	Ахборот технологиялари бўйича кўникмалар.	6	А	2
10.	Адабиёт. Ўзбек ва жаҳон адабиёти.	6	А	2
11.	Ўрганиш кўникмаларига эришиш.	6	А	2
12.	Дунёни асранг.	6	А	2

13.	Соғлом турмуш тарзи.	6	A	2
14.	Саёҳат ва туризм.	6	A	2
15.	Бозор иқтисодиёти.	6	A	2
16.	Маиший хизмат кўрсатиш.	6	A	2
17.	Адабиётшунослик.	6	A	2
18.	Кўчирмакашлик.	6	A	2
19.	Ўз-ўзини баҳолаш.	6	A	2
20.	Талабалик олтин даврим.	6	A	2
	<b>Жами</b>	<b>120</b>		<b>40</b>

### **1-боб. МЕНИНГ ВАТАНИМ – МЕНИНГ ФАХРИМ.**

**(6 соат)**

**1-мавзу. Ўзбекистонга марҳамат.** Ўзбекистоннинг географик жойлашиши. Худуди. Чегарадош давлатлар. Географияга оид атамалар луғати. Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари. Диққатга сазовор жойлар. Ўзимиз туғилиб ўсган жой ҳақида. Ўзбекистон ҳақида қизиқарли маълумотлар.

**2-мавзу. Машҳур шахслар.** Ўзбекистоннинг машҳур шахслари. Фанга ҳисса қўшган машҳур мутафаккирлар.

### **2-боб. КАСБИНГИЗ НИМА?**

**(6 соат)**

**3-мавзу. Мутахассисликка кириш.** Касб турлари ҳақида маълумот. Касбга оид сўзлар ва атамалар. Касб вакилларининг вазифалари ҳақида маълумот. Касбда машҳур бўлган инсонлар. Менинг ёқтирган касбим. Дўстларимнинг келажакдаги касблари.

**4-мавзу. Иш учун суҳбат.** Ота-онасининг касби ҳақида маълумот. Менинг орзуимдаги иш. Ўсмирлар учун иш жойлари ва иш жадваллари. Иш учун суҳбатда бериладиган саволлар. Тўлиқ ва тўлиқсиз иш куни ҳақида маълумот.

### **3-боб. МЕНИНГ КЕЛАЖАКДАГИ РЕЖАЛАРИМ.**

**(6 соат)**

**5-мавзу. Аввалги амалга оширилган ишлар таҳлили ва келажак режалар ҳақида маълумот.** Бажарилган ишлар ҳақида маълумотлар. Муваффақияли инсон ҳақида суҳбат. Инсон характери ифодаловчи сўзлар. Бугун ва эрта. Режалар тузиш ва уларни амалга ошириш.

**6-мавзу. Келажакдаги орзуларни тузиш ва режалаштириш.** Режалар тузиш ва уларни амалга ошириш тўғрисида суҳбат. Мен нимага эришдим. Узоқни кўзлаб тузилган режа мавзусида суҳбат. Келажак – бу саёҳатдир.

#### **4-боб. ВАҚТНИ ТЎҒРИ ТАҚСИМЛАШ.**

**(6 соат)**

**7-мавзу. Қачон? Қаерда? Қандай?** Вақтни тўғри тақсимлаш тўғрисида суҳбат. Вақтни тўғри режалаштириш. Вақтни режалаштиришга оид сўзлар.

**8-мавзу. Кундалик, ҳафталик, ойлик ва йиллик режалар тузиш.** Вақтни тўғри тақсимлашда энг муҳими бу ... . Вақтни тежаш ҳақида суҳбат. Дўстларингизнинг режалари.

#### **5-боб. ГУРУХ БИЛАН ИШЛАШ.**

**(6 соат)**

**9-мавзу. Ўсмирлар муаммолари.** Ўсмирларнинг бугунги кундаги муаммолари. Зўравонлик. Дўстимизни тасвирлаймиз. Ўзи ва тенгдошларининг муаммолари.

**10-мавзу. Гуруҳ бўлиб ишлаш.** Ўзи ва тенгдошларининг қизиқишлари ҳақида суҳбат. Етакчилик ва гуруҳда ишлашга оид сўзлар ва иборалар. Гуруҳда ишлашнинг афзалликлари мавзусида суҳбат. **Ўтилган мавзуларни такрорлаш. Назорат иши.**

#### **6-боб. ҲАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ.**

**(6 соат)**

**11-мавзу. Дунёдаги халқаро ташкилотлар.** Халқаро ташкилотлар турлари. Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги. Ўзбекистонда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар. Хайрия оиладан бошланади мавзусида суҳбат.

**12-мавзу. Ўзбекистондаги ёшлар ташкилоти.** Ёшлар ташкилотлари ҳақида суҳбат. Таълим олаётган муассасангиздаги ёшлар ташкилоти фаолияти. Келажакдаги режаларим. Дўстларимнинг келажакдаги режалари.

#### **7-боб. ҲУЖЖАТЛАРНИ ТЎЛДИРИШ.**

**(6 соат)**

**13-мавзу. Расмий ва норасмий ёзишмалар.** Расмий ва норасмий ёзишмаларда ишлатиладиган сўзлар. Мулоқот. Расмий ва норасмий хат турлари. Расмий ва норасмий хат ёзиш тартиби. Услугаларни муҳокама қилиш.

**14-мавзу. Ариза турлари.** Расмий ва норасмий ёзишмаларда ишлатиладиган сўзлар. Ариза турлари. Ариза ёзиш тартиби. Интервьюда қатнашиш. Шахсий маълумотлар.

### **8-боб. КЎНИКМАЛАРНИ АНИҚЛАШ.**

**(6 соат)**

**15-мавзу. Ўрганувчининг муваффақияти.** Кўникмалар ҳақида маълумот. Кўникмаларга оид сўзлар ва иборалар. Шахсий кўникмалар. Муваффақиятга эришиш ҳақида суҳбат. Шахсий ва касбий кўникмалар. Шахсий профиль ҳақида суҳбат. Кўникмаларни шакллантириш омиллари.

**16-мавзу. Қанчалар ақллисиз?** Кўникмаларга оид сўзлар иборалар. Ўрганиш услублари турлари. Визуал, аудитор, кинестетик ўрганиш услублари. Хорижий тилларни ўрганишнинг муҳимлиги ҳақида суҳбат.

### **9-боб. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БО'ЎИЧА КО'НИКМАЛАР.**

**(6 соат)**

**17-мавзу. Электрон таълим асослари.** Электрон таълим ҳақида тушунча. Электрон таълимга оид сўзлар ва бирикмалар. Масофавий таълим. Компьютердан фойдаланишнинг афзалликлари ва камчиликлари.

**18-мавзу. Интернет ҳавфсизлиги.** Интернет ҳақида тушунча. Интернетга оид сўзлар ва бирикмалар. Интернетдан фойдаланиш. Интернет ҳавфсизлиги. Интернет ва ёшлар мавзусида суҳбат. Ахборот эркинлиги.

### **10-боб. АДАБИЁТ.**

**(6 соат)**

**19-мавзу. Ўзбек адабиёти.** Адабиётга оид сўзлар ва иборалар. Ўзбек ёзувчилари ҳақида маълумот. А.Фитратнинг ҳаёти ва ижоди. “Китоблар” мавзусида суҳбат. Менинг севган китобим.

**20-мавзу. Дунё адабиёти.** Адабиётга оид сўзлар ва иборалар. Таълимда китобнинг муҳимлиги. Адабиётнинг тил ўрганишдаги ўрни. В.Шекспирнинг ҳаёти ва ижоди. 21-аср адабиёти. Менинг севган китобим. **Ўтилган мавзуларни такрорлаш. Назорат иши.**

### **11-боб. ЎРГАНИШ КЎНИКМАЛАРИГА ЭРИШИШ.**

**(6 соат)**

**21-мавзу. Фаол ўрганувчи.** Академик луғат. Шахснинг жамиятдаги ўрни. “Муваффақиятга йўл” мавзусида суҳбат. Кашфиётчилар ва кашфиётлар.



**22-мавзу. Ўрганишнинг ижодий усуллари.** Академик луғат. Менинг порлок келажагим. “Ўрганишдаги муаммалар” мавзусида суҳбат. Муваффақиятга эришган ёшлар. “Мени руҳлантирувчи қахрамоним” мавзусида суҳбат.

### **12-боб. ДУНЁНИ АСРАНГ.**

**(6 соат)**

**23-мавзу. Атроф-муҳит муаммолари.** Табиатнинг ифлосланиши. Атроф-муҳитга оид сўзлар ва иборалар. Табиатни муҳофаза қилиш. “Иссиқхона газлари” мавзусида суҳбат. “Орол денгизи муаммолари” мавзусида суҳбат. Вазиятни таҳлил қилиш.

**24-мавзу. Глобал муаммолар.** Дарахтларни кесиш. Атроф-муҳитга оид сўзлар ва иборалар. Ер ости ва ер усти бойликлари. “Табиат бойликларини тежаш” мавзусида суҳбат. Вазиятни таҳлил қилиш.

### **13-боб. СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ.**

**(6 соат)**

**25-мавзу. Соғлигим-бойлигим.** Соғлом турмуш тарзи. Соғлом турмуш тарзига оид сўзлар ва иборалар. Шахсий гигиенага амал қилиш. Атроф-муҳит гигиенаси. Тамаки маҳсулотлари чекишнинг зарари. “Соғ танда соғлом ақл” мавзусида суҳбат.

**26-мавзу. Фойдали озиқ-овқатлар.** “Озиқ-овқатни тўғри истеъмол қилиш” тўғрисида суҳбат. Озиқ-овқатга оид сўзлар ва иборалар. “Ота-оналар фарзандлари шахсий гигиенасига масъулдир” мавзусида суҳбат. Шахсий гигиенага амал қилмасликнинг оқибатлари.

### **14-боб. САЁҲАТ ВА ТУРИЗМ.**

**(6 соат)**

**27-мавзу. Саёҳат.** Сайёҳлик давлатлари. Саёҳатга оид сўзлар ва иборалар. Дунёнинг сайёҳлик марказлари. “Саёҳат” мавзусида суҳбат. “Мен саёҳат қилган давлат” мавзусида суҳбат. Дўстлар ва оила аъзоларига откритка ёзиш тартиби ва қоидалари.

**28-мавзу. Ўзбекистонда сайёҳлик.** Ўзбекистоннинг сайёҳлик марказлари. Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари. Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари. Саёҳатга оид сўзлар ва иборалар. Саёҳат режалари. Ўзбекистонда экотуризмнинг риво

жланиши.

## **15-боб. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ.**

**(6 соат)**

**29-мавзу. Бозор иқтисодиёти нима?** Бозор иқтисодиёти ҳақида маълумот. Бозор иқтисодиётига оид сўзлар ва иборалар. Иқтисодиёт соҳалари. Тадбиркорлик тушунчаси. “Тадбиркорлик” мавзусида суҳбат.

**30-мавзу. Реклама ва харид.** Рекламанинг бозор иқтисодиётидаги ўрни. Тадбиркорликка оид сўзлар ва иборалар. “Харид” мавзусида суҳбат. “Мен харид қиладиган дўкон (бозор)” мавзусида суҳбат. **Ўтилган мавзуларни такрорлаш. Назорат иши.**

## **16-боб. МАИШИЙ ХИЗМАТ.**

**(6 соат)**

**31-мавзу. Маиший хизмат кўрсатиш.** Маиший хизмат турлари. Маиший хизмат кўрсатишга оид сўзлар ва иборалар. Маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари. Талабнома ёзиш тартиби. “Маиший хизмат бу тадбиркорлик” мавзусида суҳбат.

**32-мавзу. Сифатли ва сифатсиз хизмат кўрсатиш.** Сифатли ва сифатсиз хизмат. Маиший хизмат кўрсатишга оид сўзлар ва иборалар. Расмий ва норасмий ёзишмалар. Шикоят хати ёзиш тартиби. “Сифатли ва сифатсиз хизмат кўрсатиш” мавзусида суҳбат.

## **17-боб. АДАБИЁТШУНОСЛИК.**

**(6 соат)**

**33-мавзу. Адабиёт жанри.** Бадий адабиёт. Фантастик адабиёт. Адабиётга оид сўзлар ва иборалар. Жанр турлари. “Мен ёқтирган ёзувчи ва асар” мавзусида суҳбат. “Қайси жанрни ёқтирасиз” мавзусида суҳбат. “Энг сўнгги ўқиган китобим” мавзусида суҳбат.

**34-мавзу. Китоб шарҳи.** Кутубхонада. Адабиётга оид сўзлар ва иборалар. “Бизнинг оила, китобхонлар оиласи” мавзусида суҳбат. Тавсия хатини ёзиш тартиби.

## **18-боб. КЎЧИРМАКАШЛИК.**

**(6 соат)**

**35-мавзу. Кўчирмакашлик нима?** Кўчирмакашлик. Нима сабабдан ўқувчилар кўчирадилар? Синоним ва антонимлар. “Муаллифлик ҳуқуқи” мавзусида суҳбат. Соғлом фикр.

**36-мавзу. Кўчирмакашлиқдан қочиш.** Синоним ва антонимлар. “Кўчирмакашлиқдан қочиш” мавзусида суҳбат. “Қандай қилиб янги маҳоратни ўргандингиз” мавзусида суҳбат.

### **19-боб. ЎЗ ЎЗИНИ БАҲОЛАШ.**

**(6 соат)**

**37-мавзу. Ўзини баҳолаш.** Ўзини баҳолаш нима? Ўзни баҳолаш воситаси. “Менинг ҳаётдан олган тажрибам” мавзусида суҳбат. “Ўқув жараёни” мавзусида суҳбат. “Дўстингизни баҳоланг” мавзусида суҳбат. “Оилангизни баҳоланг” мавзусида суҳбат.

**38-мавзу. Фикр-мулоҳазаларнинг роли.** Ўз-ўзини таҳлил қилиш. Соғлом танқид. Вазиятни танқид қилиш. “Дўстларимнинг мен ҳақимдаги фикрлари” мавзусида суҳбат. “Танқиднинг афзаллик ва танқидий томонлари” мавзусида суҳбат.

### **20-боб. ТАЛАБАЛИК ОЛТИН ДАВРИМ.**

**(6 соат)**

**39-мавзу. Тайёргарлик.** Мақсадни белгилаш. Академик сўзлар. Мен ёқтирган касб. “Менинг келажакдаги касбим” мавзусида суҳбат. “Талабалик олтин даврим” мавзусида суҳбат. Келажак режаларини тузиш.

**40-мавзу. Менинг орзуимдаги касб.** Мартабага эришиш. Касбларга оид сўзлар ва иборалар. “Менинг орзуимдаги мартабага эришиш режалари” мавзусида суҳбат. Машҳур касблар. “Мени танлаган касбимга меҳр уйғотган шахс” мавзусида суҳбат. **Ўтилган мавзуларни такрорлаш. Назорат иши.**

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Шавкат Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент – “Ўзбекистон”-2018.

2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баходир. Тошкент – “Ўзбекистон”-2018.

3. Л.Киркхем, А.Ирискулов, Ф.Рашидова Чет тиллар ўқитувчилари учун CEFR ҳақида қўлланма. 2013.

4. Ф.Рашидова, Н.Тиллаева, З.Каримова Ўрта таълим муассасаларининг 10-синфи ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари учун дарслик. 2017.

5. Ф.Рашидова, Н.Тиллаева, М.Хамзаева, Г.Ристибоева Ўрта таълим муассасаларининг 11-синфи ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари учун дарслик. 2018.

## **ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ:**

1. [www.pearsonlongman.com/ae/cef/cefguide](http://www.pearsonlongman.com/ae/cef/cefguide)
2. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz)
4. [www.regulation.gov.uz](http://www.regulation.gov.uz)